

АЛИШЕР НАВОИЙ ФАРДЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ: БАДИЙ САНЪАТЛАР

Лайло Фирдавсиевна Хасанова

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Алишер Навоий фардларида истифода этилган бадий санъатлар таҳлил қилинган. Фардларнинг дидактик табиати, тасаввуфий маъно қамрови ва поэтик санъатларнинг уларни юзага чиқаришдаги ўзига хос ўрни хусусида баҳс юритилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, фард, мажоз, бадий санъат, эстетик завқ.

ABSTRACT

This article provides poetic arts, had been used in Alisher Navai's fards was analyzed. Didactic character, including of sufism meaning of fards and special role in describing them.

Keywords: Alishir Navai, fard, allegorical, poetic art, aesthetic delight.

КИРИШ

Маълумки, адабиёт – сўз санъатининг вазифаси, энг аввало, ўқувчига эстетик завқ бериш, унда нафосатни шакллантириш, ўқувчи руҳиятини тозартириш, адабий дидни шакллантиришдан иборат. Бу, хусусан, фард жанри намуналарида кўзга очик ташланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шубҳасиз, ўзбек мумтоз адабиётида фард жанрини янги босқичга олиб чиққан улуғ шоир Алишер Навоий. [6, 7]. Мумтоз адабиёт назариясининг устунларидан ҳисобланган илми қофия, илми аруз ва илми бадеълар бу жараёнда алоҳида ўрин эгаллайди.

Алишер Навоий фардларда нафақат қофияланишни нисбатан қатъийлаштирди [6], балки дидактик, ишқий-ирфоний, тасаввуфий мазмундаги фардларнинг гўзал намуналарини яратишга эришди. Ҳар қандай ёзма адабиёт намуналари, энг аввало, халқ оғзаки ижодида озикланиши аён. Жумладан, фольклорнинг ихчам



шакл, ammo теран мазмунга эга бўлган жанри [13] мақоллардан Алишер Навоий ҳам ўз фардларида унумли фойдаланган.

НАТИЖАЛАР

Бу эса мазмуннинг қисқа ва лўндалигини таъминлаб, таъсирчанлигини кучайтирган.

Юқар ямонлиғ ангаким, кирар ямон эл аро,
Кўмур аро илик урган қилур илгини қаро.

Дунёву уқбо иккиси жамъ ўлмас, эй рафик,
Кимки икки кема учини тутар, бўлур зарик.

Биринчи фардда “Ёмонга яқин юрсанг балоси юқар, Қозонга яқин юрсанг – қораси”, иккинчисида “Иккита кемани тутган, сувга ғарқ бўлар” мақолларининг гўзал бадий ифодаси билан ақд санъати юзага чиққан.

Қуйидаги фардда ижодкор фикрини баён этиш асносида “сўз орасида Қуръони каримдан ёхуд Ҳадиси шарифдан ё бошқа мақбул асарлардан бир жумланинг тўлиқ ёки қисман оз тасарруф ила ёхуд тасарруфсиз олиш” [14] санъатидан фойдаланган:

Белу оғзидин, дедиларким, дегил афсонае,
Бошладим филҳолким: «*Бир бор эди, бир йўқ эди*».

Ёрнинг оғзи ва белини гўзаллигини ифода этишда лирик қаҳрамон ўзбек халқ эртақларининг анъанавий бошланмасини моҳирона истифода этган.

Ўзбек мумтоз адабиётида фикрни гўзал далиллаш усулларида бири тамсил санъатидир. Қуйидаги фардда ҳам шоирнинг фикр-қарашлари тамсил санъати воситасида ифода этилган:

Юз очиб, ёғлиғ била лаълингни мактум айладинг,
Гул чоғи гулранг майдин бизни маҳрум айладинг.

Яъни рўмол билан лабларининг яширдинг, гўёки гул чоғи гулранг майдан маҳрум айлаган сингари каби мазмунни ифода этади.

Ёхуд

Қотик кўнглунгдин оқти халқ ёши,
Ки ёмғур боисидур ёда тоши.

Тамсил санъати билан зийнатланган ушбу фардда ёда – яда тоши, яъни ёмғир чақириниш қўлланиладиган сеҳрли тош хусусида гап борган. Алишер Навоий асарларида яда тоши бадиий образ даражасига кўтарилган бўлиб, ошиқнинг кўзидан қон ёши оқизувчи ёрнинг тош қалбига ташбеҳ қилинган [2]. Буни юқоридаги фард мазмуни ҳам тасдиқлайди.

Фарднинг мазмунининг эстетик таъсир кучини оширган поэтик санъатлардан яна бири талмех санъатидир.

Воқиф эрмас ёр, жон берсам бузуғ кошонада,
Шаҳ не огах, хаста Мажнун ўлса бир вайронада.

Ошиқона руҳ билан йўғрилган мазкур мисраларда кошона ва вайрона сўзлари тазод санъатини ҳам ҳосил қилган. Демак, биргина фардда талмех, тамсил ва тазод санъатилари ўзаро уйғунлашиб, шеърнинг бадиий кучини орттирган.

Алишер Навоий фардларида муламмаъ ва иқтибос санъатларининг гўзал намуналарига ҳам дуч келамиз:

Элни хор айлаган тамаъ, билгил,
Доимо аzza ман қанаъ билгил.

Қуйидаги фардда эса “ой” сўзи воситасида истиора ҳосил қилиниб, қайтариш санъати ҳам мисралар мазмунни ва шаклини ўзаро мутаносиб ҳолга келтиришга хизмат қилган.

Ақлу хушум қолмади, кўргач ул ойни боданўш,
Изтиробимдин ҳамоноким, тўкулди ақлу хуш

МУҲОКАМА

Эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат шундан иборатки, Алишер Навоий фардларининг бадиияти, хусусан, бадий санъатларнинг истифода этилишини тадқиқи асар мазмунини янада теранроқ англашга туртки бўлади. Шакл ва мазмуннинг уйғунлиги асарнинг янада жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Алишер Навоий фардларида талмех, таносуб, ташбеҳ, муламмаъ, тазод, ружуъ каби қатор бадий санъатлар мисраларнинг жозибадорлигини орттириб, таъсирчанлигини оширишга, шакл ва мазмуннинг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилган. Буюк мутафаккир шоир фардларининг бадииятни ўрганиш эса нафақат фард жанри имкониятлари, балки Алишер Навоий дунёқараши, шеърятининг мазмун-моҳияти хусусида баҳс юритишга ҳам имкон беради.

REFERENCES

1. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик, 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992.
2. “Алишер Навоий: қомусий луғат” / Масъул муҳаррир: Ш. Сироҷиддинов. – Т.: “Sharq”, 2016. Б. 179.
3. Асадов М. Соқийнома: тарих ва поэтика. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2020. 352 бет.
4. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги, Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2014. – 320 бет
5. Носиров О., Жамолов О. Зиёвиддинов Н. Ўзбек классик шеърятининг жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. 170 б.
6. Ойматова М. А. Ўзбек адабиётида фард жанри поэтикаси ва тарихи / М. А. Ойматова; А.Навоий номидаги тил ва адабиёт ин-ти [дис. ... филология фан. номзоди] : дис. ... филология фан. номзоди . – Ташкент, 1999. – 131 б.
7. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент: 1976. – 168 б.
8. Орзибеков Р. Поэтика и пути развития жанров узбекской классической поэзии. Дис д.ф.н. – Самарканд, 1983. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр, МАТ,7-жилд, Тошкент, 1991, 26-бет.
9. Серикова Л. Малые формы лирики Наваи. Автореф. Дисс. Канд. Ф.н. – Ленинград: 1975.
10. Куронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2013. – 408 б.
11. Ўзбек адабиётида рубоийлар. – Т.: Фан, 1987



12. Ҳусайний Атоуллоҳ Бадойиъ ус саноиъ – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. Б. 271.
13. Шамси Қайси Розй Ал-Мўжам. – Душанбе: Адиб, 1991 – 336.
14. О‘zbek xalq maqollari (Tuzuvchilar Т. Mirzayev, А. Musaqulov, В, Sarimsoqov; Mas’ul muharrir: Sh, Turdimov). – Т.: “Sharq”, 2019. –512 b.

